Ушбу сонда:
2 РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИДА
3 ОЛИЙ ШАРАФ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 14 январ, шанба № 7 (2056)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!*

*Қадрли ватандошлар!*

*Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана - Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.*

*Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.*

*Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа - Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак.*

*Биз ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишларни амалга оширдик.*

*Бизнинг Қуролли Кучларни қайта ташкил қилиш ва ислоҳ этиш бўйича қабул қилган Давлат дастуримиз Марказий Осиё минтақасидаги шиддат билан ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ҳар томонлама чуқур таҳлилига, ҳудудимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва реал хатарларни ҳисобга олишга, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини кучайтиришга қаратилган, пухта ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишга асосланган.*

*Бугунги кунда Қуролли Кучларнинг жанговар қобилиятини ошириш, армиянинг ташкилий тузилишини тубдан ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш, барча қўшин турлари, ҳудудий округлар, қисм ва бўлинмаларнинг хатти-ҳаракатларини яхлит тузилма сифатида уйғунлаштириш мақсадида иш олиб борилмоқда.*

*Армиямизни шартнома-контракт негизида профессионал асосга ўтказиш жараёни деярли ниҳоясига етмоқда. Ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер техникаси, коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда таълим воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта иш қилинмоқда. Буларнинг барчаси ҳар қандай вазиятда ҳам ташаббускор ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир бўлган командир ва сержантларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда.*

*Мамлакатимизда жорий этилган сафарбарлик-чақирув резерв хизмати тизими ўзини тўлиқ оқламоқда. Унинг сафларида ёшларимиз бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаш ва чиниқиш мактабини ўтамоқда, ўзининг эл-юрт учун кераклигини яна бир бор ҳис этмоқда.*

*Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда.*

*Ҳарбий хизматчилар, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 2005 йилда уларнинг ойлик маошлари ўртача 35 фоизга оширилди, ҳарбийларни резервга бўшатишда тўланадиган тўловлар ҳажми эса икки марта кўпайтирилди, ҳарбий мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул маблағлари ва бошқа тўлов турлари белгиланди.*

*Бу масалаларни ечиш учун зарур молиявий манбалар излаб топилмоқда, жумладан, қўшинларни модернизация қилиш жараёнида тежалган маблағлар ҳам шу мақсадларга йўналтирилмоқда.*

*Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.*

*Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.*

*Азиз ватандошларим!*

*Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни, ўйлайманки, яхши тушунамиз. Халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия каби бало-қазолар мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун жиддий таҳдидга айланмоқда.*

*Кейинги вақтда биз турли бузғунчи ва муайян ташқи кучларнинг юртимиздаги вазиятни издан чиқариш, конституциявий тузумни ағдариш, ўзларининг узоқни кўзлаган қабиҳ режаларини амалга ошириш ва мамлакатимизнинг мустақил ташқи сиёсат йўлини ўзгартириш, ўз стратегик манфаатларига жавоб берадиган тараққиёт моделини зўравонлик билан жорий этишга қаратилган уринишларининг гувоҳи бўлдик.*

*Лекин бу кучлар энг асосий омилни - халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтариб бўлмаслигини ҳисобга олмади.*

*Биз ана шу хатарли таҳдид ва мисли кўрилмаган тазйиқларга, туҳмат ва уйдирмалар оқимига мардона қарши тура олдик, ҳар бир оила ва бутун мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлашга муваффақ бўлдик ва бугун қатъий ишонч билан ўз келажагимизни барпо этмоқдамиз.*

*Бундай вазиятда барчамиз доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз, албатта.*

*Бугун бу масала биз учун нафақат долзарб вазифа, балки давлатимиз ва жамиятимизнинг, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.*

*Бизнинг бу борадаги вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:*

***биринчидан**, минтақамизда содир бўлган ва рўй бераётган воқеалар, уларнинг қайси йўналишда ривожланиб бораётганини инобатга олиш, хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган замонавий хатар ва таҳдидларни сезгирлик билан баҳолаш, мустақиллигимизга, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, одамларимизнинг осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларни бартараф этишга қодир Қуролли Кучларимизнинг стратегия ва тактикасини такомиллаштириш.*

*Биз бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлардан бутунлай халос бўлишимиз, ҳарбийларимиз, айниқса қўмондонлик ва раҳбарлик лавозимларида ўтирган шахсларнинг ўз иши учун талабчанлик ва масъулият ҳиссини оширишимиз даркор;*

***иккинчидан**, қўшин турлари ва Қуролли Кучларимиз қисмларининг уйғун ва тезкор ҳаракат қилишига, уларнинг жойлардаги ҳокимият органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эришиш мақсадида армиямизнинг ташкилий қурилиши ва ҳарбий бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур;*

***учинчидан**, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш. Бу ўта муҳим масала армиядаги хизматни, барча бўғиндаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозимлигини кўзда тутган ҳолда, ҳарбий хизматчилар, биринчи навбатда ҳарбий хизматга чақирилганларни тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганини қайта кўриб чиқиш;*

***тўртинчидан**, ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини оширишга, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилашга, уларни замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминлашга биринчи даражали эътибор қаратиш. Курсантлар, билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини битирувчиларнинг интеллектуал тайёргарлик даражасига алоҳида аҳамият бериш;*

***бешинчидан**, қўшинларнинг юксак жанговар қобилияти ва самарадорлигини, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида уларни энг замонавий қурол-яроғ ва техника, махсус жиҳоз ва аслаҳа билан таъминлаш масаласига армияни ислоҳ қилишнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси сифатида қараш. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни модернизациялаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини ҳозирги замон талабларига мувофиқ тарзда мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш.*

*Юқорида зикр этилган барча вазифаларни бажаришнинг энг асосий шарти - ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич ва тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятимизнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат-эътиборида бўлиши зарур.*

*Қадрли дўстлар!*

*Бугунги байрам кунида Қуролли Кучлар сафларида ўз хизмат бурчини шараф билан адо этаётган барча Ватан ҳимоячиларига, захирадаги аскар ва офицерларга мурожаат қилар эканман, бизнинг армиямиз юртимизнинг муқаддас сарҳадларини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, мусаффо осмонимизни доимо муносиб ҳимоя қила олади, деб қатъий ишонаман.*

*Яна бир бор сиз, қадрдонларимни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

### Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара районини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штаби Термиз чегара районини шахсий таркибининг республикамиз миллий хавфсизлигини, Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган катта ҳиссасини, жанговар-хизмат фаолиятида ижобий натижаларга эришганлигини, ҳарбий хизматчиларнинг маҳорати ва юқори профессионал даражасини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришдаги фидокорлиги ва мардлигини инобатга олиб, шунингдек, Ватан ҳимоячилари куни нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара райони Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 январ

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

### Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:***

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Ивашков Сергей Александрович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халиков Сайфило Убаитович** - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясининг кафедра бошлиғи

**Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидоийлик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

#### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Исматуллаев Парманбай Дувланович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири ёрдамчиси

**Умрасулов Олимжон Рахимжонович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи

**Юнусов Абдужаббор Ўринбоевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взводи мергани

#### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуллаев Аббас Бахтиёрович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи

**Мухамедов Шухратилла Нигматович** - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи

**Пугачёв Евгений Зиновьевич** - Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасининг бўлими катта эксперти

#### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Абдуллажанов Нодир Боқижонович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Исаков Станислав Рухсатович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзаев Махмуд Хамидович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари

**Норматов Шавкат Турсунпўлатович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бригада командири

(Давоми 2-бетда)

## ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

***Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган кундан эътиборан Президентимиз Ислом Каримов томонидан истиқлолни мустаҳкамлаш, эл-юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим қадамлар қўйилди.***

***1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли Кучлар Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказилди. Бу улкан ижтимоий-сиёсий воқеа истиқлолимиз тарихи зарварақларига муҳрланди. Шу боис ҳар йили мазкур кунни катта байрам сифатида муносиб нишонлаймиз.***

***Шу муносабат билан 13 январ куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.***





Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистонда Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида ҳарбий соҳадаги ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилди. «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳамда ҳарбий Доктринанинг қабул қилиниши миллий армиямиз салоҳиятини янада ошириш ва жанговар шайлигини юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, ҳарбий ислоҳотлар стратегиясини белгилаб берди.

Мамлакатимиз мудофаасини ишончли таъминлаш ишига энг замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа жалб этилган. Ҳарбий таълимни ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Армиямиз учун зарур барча мутахассисликлар бўйича малакали офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Профессионал армия аскарларининг ғоявий-сиёсий, жисмоний, жанговар тайёргарликдан ўтишидаги ғоят муҳим аҳамияти инобатга олиниб, сержантлар мактабларининг ташкил этилиши мавжуд ҳарбий округлар қисмларини ҳар томонлама чиниққан ҳарбийлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бошқарув органлари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига биноан ҳарбий округлар тузилди. Ҳарбий соҳадаги бундай кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда профессионал армия талабидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий қисм ва муассасаларнинг қайта жойлаштирилишига эришилди. Ҳар қандай мураккаб вазиятда дадил ҳаракат қила оладиган, тезкор ва ҳозиржавоб махсус бўлинмалар ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, армиямиз замон талабига мос равишда ихчам ва профессионал шаклга келтирилмоқда.

Мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилиши эса дунё ҳарбий тажрибасида том маънодаги янгилик бўлди. Бунинг натижасида қўшинларни тайёрлаш, уларни техникавий таъминлаш сифатини яхшилаш, ҳарбий хизматчилар турмуш даражасини юксалтириш масалаларига эътибор янада кучайди. Она юртимиз мудофааси учун етарли даражада резервчилар армиясини тайёрлаш имкони юзага келди.

(Давоми 2-бетда)

## БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ...

***ХХ аср тарих саҳифаларида тез-тез тилга олиниши шубҳасиз. Урушлар, қатағонлар, қирғинбаротлар, дунёни бўлиб олиш йўлидаги босқинлар, икки қутблиликнинг инсоният бошига солган кулфатлари, маломатлари. Бу офатлар солган яраларнинг ҳали-ҳануз ўрни бор. Шукурки, аср сўнггига келиб, қайсидир маънода аждодларимиз қалбида чуқур из қолдирган яраларга малҳам бўлувчи воқелик тарих саҳнида чарақлади.***

Осмонимиз узра адолат офтоби – Истиқлол қалбларга малҳам бўлди. Асрий армонлар ушалди. Мустақиллик ва у берган неъматлар хусусида кунлаб, соатлаб гапирса ҳам адо бўлмайди. Ана шулардан бири Ўзбекистоннинг ўз Қуролли Кучларига эга бўлганидир. Ишонч билан айта оламизки, миллий армиямиз шаклланувнинг муҳим босқичларини ортда қолдирди. Соҳада бўлаётган жиддий ўзгаришларни тушунмайдиган, ҳис қилмайдиганлар "ҳа, энди республика ҳудудида жойлашган собиқ иттифоқ Қуролли Кучларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса, ташкилотлари тасарруфимизга олингандан кейин...", дея киноя қилишлари мумкин. Ана шундай кайфиятда юрганларга масалани ойдинлаштириб берайлик. Аниқроқ қилиб айтганда, тасарруфимизга олгунимизча қандай эди-ю, бугун қай даражада, деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Буни ҳарбий билим юрти, аниқроғи, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти мисолида кўриб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига кўра ҳудудимиздаги олий ҳарбий билим юртлари тасарруфимизга олинди. Шу жумладан, тилга олинаётган билим юрти ҳам бундан мустасно эмас. Аввало шуни таъкидлаш жоиз, гарчи билим юрти Ўзбекистонда жойлашган бўлса-да, маҳаллий миллат вакиллари курсантлар миқдорининг бир фоизини ҳам ташкил қилмас эди. Президентимиз бу муаммони ўзининг "Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" китобида шундай баён этади: **"...Бу борада биз дуч келган энг мураккаб муаммо – армиядаги кадрлар масаласи эди. У пайтда ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлаб турибди".**

1993 йилга қадар тилга олинаётган билим юрти фақатгина бир йўналишда – танк бўлинмалари командирлари мутахассислиги бўйича офицерлар тайёрлаган. Табиийки, бу ҳолат, тайёргарликнинг бундай тизими Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий мутахассисликларга, офицер кадрларга бўлган талабини қониқтира олмасди. Дейлик, Самарқанддаги олий ҳарбий билим юрти фақат автомобил бўлинмалари, пойтахтдаги олий ҳарбий билим юрти эса мотоўқчи бўлинмалари командирларинигина етказиб бераётганди. Ҳа, ана шундай мураккаб бир вазиятда ислоҳотлар бошланди. 1993 йилдан барча олий ҳарбий ўқув муассасаларида офицер кадрлар тайёрлашнинг кўп соҳали тизимига ўтилди. Бугунга келиб, тилга олинаётган билим юртида танкчи командирлардан ташқари танкчи муҳандислар, ҳаво-десант қўшинлари командирлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари командирлари, тарбиявий ишлар бўйича офицерлар тайёрланмоқда. Кафедралар сони ҳам орта бориб, улар 9 тага етган. Ҳар бир мутахассислик бўйича услубий йўриқномалар, дастурлар ишлаб чиқилди. Билим юрти профессор, ўқитувчиларининг интеллектуал даражаси орта борди.

(Давоми 3-бетда)

**Ислом КАРИМОВ:**

***Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.***

# ОЛИЙ ШАРАФ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

## БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ...

(Боши 1-бетда)

Шу ўринда мутахассислар тайёрлаш тизимининг ўзига хос жиҳатларига ҳам тўхталсак. Дейлик, командирлик профили бўйича оладиган бўлинса, курсант дастлаб танк, секция, расчёт, экипаж командирлиги бўйича сабоқлар олади. Иккинчи курсда эса гуруҳ командирлиги, учинчи курсда взвод командирлиги борасида кўникма, тажрибалар тўплаб боради. Ниҳоят сўнгги курсда курсант взвод командирига бириктириб қўйилиб, тажриба ўрганади. Батальон командирининг мажбуриятлари билан танишади, қўшинларда амалиётда бўлади. Яъни, босқичма-босқич шакллана боради. Муҳими бу эмас, ана шундай мукаммал тизимнинг яратилгани. Бу ўзига хослик курсантда командирлик сифатларини тарбиялашда, унинг келгусида Қуролли Кучларимиз етук офицери бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ёки ўқув жараёнининг муҳандислик профили бўйича қандай ташкил этилаётганида ҳам буни кўриш мумкин. Курсант дастлаб умумқўшин тайёргарлигини, расчёт,экипаж, секцияда ҳаракатланишни ўрганади. Юқори курсларга ўтилганда таъмирлаш ишларини ўрганиш бобида заводларда амалиёт ўтайди. Хуллас, ипидан игнасигача соҳа илмини ўрганади. Бунга урғу бераётганимизнинг сабаби кўп тизимли кадрлар тайёрлаш мутахассислар етиштиришнинг сифатига таъсири йўқлигини таъкидлаш.

Мустақиллик ҳар биримизнинг онгимизда янгиланиш, бунёдкорлик каби туйғуларни қайта уйғотди. Шу маънода олиб қараганда, билим юртида таълим бериш жараёнида йилдан-йилга янгиланиш, ўзгаришлар қилиб борилмоқда. Узоққа бориб ўтирмайлик. 2005-2006 ўқув йилида ҳаво-десант қўшинлари командирлари тайёрлаш факультети курсантлари учун билим юртининг ўзида тоғ тайёргарлиги бўйича амалий машғулот ўтказилмоқда. Бунда замонавий жанг шарт-шароитлари, халқаро терроризмга қарши кураш билан боғлиқ тажрибаларга эътибор қаратилган. Билим юрти ўқитувчи ва йўриқчилари таркибининг профессионал даражасини янада шакллантириш йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Буни биргина Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Инновацион технологиялар маркази билан йўлга қўйилган ҳамкорликда ҳам кўриш мумкин. Ўқув тренажёр мажмуаси, ёритиш мосламаларининг ҳимоявий қурилмалари сингари мавзуларда рационализаторлик ишлари амалга оширилмоқда.



Бу эътироф этилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар моҳияти юртига, халқига садоқатли ҳарбийларни, малакали мутахассисларни тайёрлаш эканлигини юқорида ҳам айтиб ўтдик. Хўш, истиқлол сабаб бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар бу борада қанчалар самара беряпти? Яъни, мустақиллик бизга шунча имконият, шароитларни яратиб берди. Ўз навбатида истиқлолга биз нима бердик, деган саволга ойдинлик киритишга фурсат етди. 2000 йилда мазкур билим юрти курсанти, қаҳрамон ўғлон, "Жасорат" медали соҳиби Иқбол Нишонов Тошкент вилояти тоғли ҳудудларига бостириб киришга уринган бир гуруҳ халқаро террорчиларни тор-мор этишда матонат кўрсатди. Иқбол автоматни маҳкам ушлаганча олдинга қараб отилган бир пайтда душман ҳам позициясини ўзгартиришга ошиқди. Ана шунда икки томон юзма-юз тўқнашди. Нафрат, ғазаб тўлиб-тошган кўзлар учрашди. Биринчисида ўз Ватанига, мустақиллигига дахл қилмоқчи бўлган малъунларга нафрат бўлиб алангаланса, иккинчисида Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг фаровонлигини, дунёвий тараққиёт йўлини кўролмасликдан ҳосил бўлган аламзадалик ҳукмрон эди. Нигоҳлар тўқнашганда биринчиси устунлик қилди. Ғаним одамкушлик қилиб ўрганганиданми, биринчи бўлиб ўқ узди. Десантчи йигит Иқбол чап беришга улгурди. Аммо барибир чап қўлининг кафтини ўқ яралади. Иқбол отган ўқ эса душманнинг ўнг оёғига санчилиб, у юзтубан қулаб тушди. Бироқ ғаним талвасага тушганча ажал уруғини ёғдиравердди. Ўқлардан бири Иқболнинг елкасининг ўнг томонига келиб теккач, кўз олди қоронғилашди йигитнинг. Шунда ҳам душманга ўқ ёғдиришни давом эттирди. Мадори қолмай йиқилаётган бўлса-да, душманни саранжомлаганини билди, Иқбол.

Қуролли Кучларнинг 14 йиллик тўйи муносабати билан ҳарбий таълимдаги ўзгаришларнинг айрим қирраларига қисқа назар ташладик. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, истиқлолнинг илк йиллариданоқ ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилган устувор эътибор бугун ўз ҳаётини армиясиз тасаввур қила олмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан, халқ олдидаги муқаддас бир бурч дея биладиган, англайдиган мардларни тарбиялади. Бугунги нурафшон иқболимизда аввало шуларни кўрамиз.

**Алижон САФАРОВ,**
**майор**



Кўп миллатли Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик муҳити бизнинг беқиёс бойлигимиздир.

Маълумки, мамлакатимиз ҳудудининг яхлитлиги, чегараларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қиладиган тезкор, замонавий, қудратли Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Бизнинг армиямиз ҳозирги мураккаб шароитда Ватанимиз чегаралари дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилибгина қолмай, айни пайтда у ёшларимиз учун ватанпарварлик, юртга садоқат билан хизмат қилиш, мустаҳкам ирода, юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш, тининг, иқтисодий ривожланишининг негизида тинчлик ва осойишталик ётибди. Бунда юртимизнинг ҳар қаричини омон сақлаб, туну кун бедор бўлиб, тинчлик учун хизмат қилувчи кўра жанговор ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак натижалар кўрсатган, намунали ҳарбий интизомга эга муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисм қўмон-

## ХАЛҚ АРДОҒИДА

уларнинг ақлий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, амалий касб кўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний тобланиш мактаби бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғ-



лиқ муносабатларни тартибга солувчи «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган. Унда умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни, чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти унинг хавфсизлигини таъминлаш ва осойишталигини сақлаш билан чамбарчас боғлиқ. Республикамиз тараққиё-

касб эгалари – Ватан ҳимоячиларининг хизмати беқиёс. Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзларни янада такомиллаштириш борасидаги эътибор фикримизнинг далилидир.

Чунки, халқимизнинг тинчлигини ҳар хил тажовузлардан сақлаш мақсадида чегарадан ноқонуний ўтувчи шахслар ва транспорт воситаларининг, қурол-яроғ, контрабанда ва гиёҳванд моддалар олиб ўтилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий ресурсларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишига йўл қўймаслик, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳимоясини таъминлашдек муҳим вазифа ҳам ватан ҳимоячилари қўлидадир.

Бугун Қуролли Кучларимиз ҳақида фахр билан, ғурур билан гапиришга ҳақлимиз. Негаки, қисқа давр ичида миллий армиямиз шаклланди. Мамлакатимиз мудофаа қобилияти мустаҳкамланди. Армиямизнинг кечаги қиёфаси билан бугунгиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган ислоҳотлар моҳияти, самарасини муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар мисолида кўриб ўтсак. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 31 октябрдаги қарорига донлигининг тегишли тавсияномасига кўра мамлакат олий ўқув муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилмоқда.

Тегишли тавсияномага эга бўлган, бироқ танлов давомида керакли бал тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматчи абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатилади.

Ҳарбий хизматчиларни танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ҳа, Қуролли Кучларимизни юзага келтиришда, уларни миллий кадрлар билан таъминлашда Юртбошимизнинг хизматлари жуда катта бўлди. Биз ҳозир ўз жанговар миллий армиямиз, истеъдодли аскар ва офицерларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар Мустақил Ватанимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини садоқат билан қўриқлашга кеча-кундуз тайёр турибди.

**Ф.ХАТАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси**

### *Дил изҳори*

***Дунёда фарзанд камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ экан. Умринг мазмуни ҳам ана шу бахт замирида акс этади гўё. Илгари буни ўйламас эканман, яқин йиллар оралиғида ҳис эта бошладим...***

## ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Ўғлим – Баҳодиржон болалигидан ҳарбийликка қизиқарди. Армиядан қайтган амакиларининг бош кийимини кийиб, ҳарбийларга хос болаларча шаҳдам қадам ташлаб, ўртоқларига «фурашка»ни «кўз-кўз» қилгани ёдимдан чиқмайди. Кейин телевизор орқали кўрсатадиган – «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувини кўра туриб «Онажон, мендан ҳарбий чиқармикан? Мен армияга тенгдошларим орасидан биринчилардан бўлиб кетаман, кўрасиз ҳали...» дер эди.



Худди шундай бўлди. Бу гапни ўсмирлигида айтганди. Аммо ҳақиқатдан ҳам вақти етиб келганда биринчилардан бўлиб ҳарбий хизматга жўнади. Йигитлик бурчини мамлакатимиз пойтахтида ўтаб қайтди. Яратганга шукр, дунёга янада тийрак кўз билан қарайдиган, жисмонан баркамол йигит бўлиб етишибди. Майда гап бўлса-да айтай: ўғлимни пазандачиликдан ҳам хабари бор. Яна бир одати – юқори синф ўқувчилигидан тортиб ҳалигача кийимларини ўзи ювиб, ўзи дазмоллайди.

Ўғлим уйга келгач ҳам ҳарбийликдан кўнгил узолмади. Ҳозирги кунда чегара қўшинлари таркибида хизматини давом эттираяпти. Энди эса... эшитиб қолдим, яхши кўрган қизи бор экан. Ёзда дадаси билан иккаламиз Баҳодиржонни уйлантирмоқчимиз. Умр дарё экан, қаранг, келиннинг қўлидан чой ичадиган ёшга ҳам етиб қолибмиз...

**Анбара ҲУСАИНОВА**

## ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ

Фориш туманида йигитларни армия сафига кузатиш, хизмат жойларига бориб хабар олиш, хизмат муддати тугагач тантанали кутиб олиш яхши анъанага айланган. Шунингдек, тумандан етишиб чиққан ҳарбий зобитларнинг мактаб, коллеж ўқувчи-ёшлари билан учрашувлари ўтказилмоқда. Жамолиддин Атабуллаев, Воҳид Сувонов, Максим Кенгашев каби офицерлар туманда тез-тез бўлиб, хизмат ҳақида ёшларга сўзлаб беришади.

– Йигитларнинг сараси ҳарбий хизматга юборилаяпти, – дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Баҳриддин Ҳасанов. – Бўлим қошида барча шароитларга эга чақирув пункти ташкил этилган. Тиббий кўрикдан ўтказиш хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Тиббий ва чақирув комиссияси аъзоларининг якуний хулосалари асосида йигитлар танлаб олиниб, муддатли ҳарбий хизматга юборилмоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



**Суратда: туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Баҳриддин Ҳасанов чақирилувчи ёшлар даврасида**

***Оилада уч қиз, уч ўғилмиз. Бундан ўн беш йилча илгари катта акам Россияда – ҳаво қўшинларига қарши мудофаа қисмида хизмат қилган. Кейинги акам эса Белоруссияда ҳарбий хизматни ўтаган. Мустақиллигимиз боис мен ўзимизнинг мамлакатда, Тошкент вилоятида ўз йигитлик бурчимни ўтаяпман.***

## ГЕНЕРАЛ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН

Армияда бўлган киши кўп нарса ўрганаркан. Мана, ўзимдан қиёс: фикрларим, қарашларим ҳам янгиланди. Оилада кенжа фарзанд бўлганлигим туфайли, онаотам менга бошқачароқ қарашарди. Энди ўйласам, ўзим ҳам дангасароқ бўлган эканман. Баъзи-баъзида уйқудан кеч турардим, ҳаракатим суст эди. Ҳозир эсласам, уялиб кетаман. Хизматга келгунимга қадар ишлаб чиқариш корхоналарининг бирида ишладим. Шу бўйича ўқишга ҳам кирмоқчи эдим.

Аммо беш-олти ой ичида фикрим ўзгарди. Эндиликда ҳаётимни ҳарбийликсиз тасаввур эта олмайман. Мен учун энг ибратли ҳаёт шу бўлиб қолди.

«Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар, аскар эмас», деган гап бор армияда. Менинг ҳам орзуларим катта. Бу йўлдаги ҳар қандай қийинчиликлардан қайтмайман.

**Д.АЛИҚУЛОВ,**
**кичик сержант**

## ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

***Ёшларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашда нуронийлар, иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан бўладиган учрашувлар муҳим аҳамият касб этади.***

Нишон тумани Мудофаа ишлари ва халқ таълими бўлимлари, шунингдек, жамоат вакиллари ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Қуролли Кучлар – Ўзбекистон халқи тинчлиги ва осойишталиги ҳимоясида», «Армия ислоҳоти – профессионал армия асоси», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – мардлик ва ватанпарварлик мактаби» мавзуларидаги суҳбатлар ҳарбий хизмат остонасида турган ёшларни мардлик ва жасурликка ундамоқда.

– «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги»да мактаб ўқувчилари ҳамда коллеж талабалари билан турли мавзуларда учрашувлар ўтказилаяпти, – дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи майор Суннатулло Мирзаев. – Ҳудудимиздаги ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарлар ҳаёти билан танишаётган ёшларда ҳарбий хизматга иштиёқ янада ортмоқда.



Чақириққача бўлган ёшлар билан ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни»да ота-оналар, жамоатчилик вакилларидан иборат гуруҳлар ҳарбий қисм ва бўлинмаларга ташриф буюраяптилар. Ҳарбий қисмларда «Амир Темур – буюк давлат арбоби ва саркарда», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур – буюк шоир ва саркарда», «Ватан фидойилари хотираси асло унутилмайди» мавзуларидаги кечаларни ҳарбий хизматчилар ва ёшлар қизғин кутиб олмоқдалар.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Сирдарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир ҳарбийларни ушбу байрам муносабати билан тақдирлашга бағишланди.

## ТАНТАНА БОИСИ

Тантанали маросимга вилоятдаги ҳарбий қисмларда ўз хизмат бурчини аъло даражада ўтаётган энг сара ҳарбий хизматчилар таклиф этилди. Уларга вилоят ҳокимлиги ва турли ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бахш этди.

### *Аскар мактублари*

## ҲАЁТ МАКТАБИ

Қишлоғимиз Сирдарё туманида жойлашган. Қариндошларим ё қўшниларимдан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга ҳавасим келарди: ё кийими, ё бўй-басти ўзига тортарди мени. Аниқ эсимда; кичкиналигимда кўчадан зобит бош кийимига тақиладиган гербни топиб олдим. Ярим тунгача ухламай шу гербга термулиб ётдим, гўёки, унда бир сир яшириндек. Ўшанда мурғак қалбимда ҳарбийликка ҳавас илдиз отган бўлса, неажаб.

Ҳозир Наманган вилоятида хизмат қилаяпман. Ҳарбийлик нималигини энди англаяпман, гарчи болаликдан унга иштиёқ баланд бўлса ҳам.

Энг муҳими, меҳр-оқибатни, озодаликни, мардликни ўргандим. Каттаю кичикка бўладиган муносабатларим шу ерда шаклланди. Жисмонан чиниқдим, машаққатли машқларда тобландим. Баҳорда муддатли хизматим тугайди. Аммо ҳарбийликдан ҳеч воз кечгим келмаяпти. Энди тушундим: мен ҳарбий хизмат учун туғилган эканман.

**Н.РАШИДОВ,**
**оддий аскар**



**Я.КОРУКА, К.ТЎРАЕВ олган суратлар**

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорликда Чимбой туманида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб бир қатор тадбирлар уюштирди.

Тумандаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказилган учрашув ва суҳбатларда миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбийлик касбининг нуфузи ортиб, ёшларнинг Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилишга бўлган интилиши кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Тумандаги 5-ўрта мактабда ўтказилган тадбирда иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

- Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ҳар бир тадбирда,- дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими раҳбари Ережеп Насратдинов, - ёшлар миллий армиямизга бўлган қизиқишларини намоён қилди. «Миллий армиямиз - юрт посбони», «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуларидаги суҳбатлар уларда катта таассурот қолдирди.

# КЎЗИМ ҚАРОҒИ

*Аскар болам, ботир, қўрқмас ўғлоним,*
*Ватан қўриқчиси, фахрим, полвоним,*
*Сарҳадларда сергак лочин, арслоним,*
*Ватанни ёвлардан сақлагин, ўғлим.*
*Элу юрт ишончин оқлагин, ўғлим!*
*Оқла сенга берган тузу нонини,*
*Кўтар Ватанингнинг шараф-шонини,*
*Мардлар аямайди азиз жонини,*
*Ватанга хиёнат этмагин, ўғлим,*
*Онангнинг бошини эгмагин, ўғлим!*
*Саждагоҳ санагин Ватан тупроғин,*
*Ҳеч қачон унутма тарих сабоғин,*
*Кимки асрамаса кўзи қароғин*
*Кўр-басир ўтказар умрини, ўғлим,*
*Юволмасдан иснод шўрини, ўғлим!*
*Ватан учун қурбон бўлган жонларни,*
*Ёвга тикка борган қаҳрамонларни,*
*Жон олиб, жон берган мард ўғлонларни*
*Унутма ҳеч қачон, унутма, ўғлим,*
*Ғанимлардан шафқат ҳеч кутма, ўғлим!*
*Сарбаланд кўтаргин Ватан байроғин,*
*Қўлингда маҳкам тут юртнинг яроғин,*
*Бағримга омон қайт, кўзим қароғи,*
*Ватанни ёвлардан сақлагин, ўғлим,*
*Она-юрт дуосин оқлагин, ўғлим!*

**Ойшахон ҚУДРАТОВА,**
**«Косонсой» сиҳатгоҳи бош ҳамшираси**



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

*Уч нарса қадрига уч тоифа одам етади: ёшлик қадрига кексалар, саломатлик қадрига - беморлар, хотиржамлик қадрига ғам-ташвишли кишилар.*

* * *

*Тўрт нарса сиҳат-саломатликни сақлайди: иштаҳа келганда таом емоқ, оғир нарсаларни кўтаришдан тийилмоқ, меъёрида ҳаракатланмоқ ва ўзидан ғамни қувмоқ.*

* * *

*Тўрт нарса киши юрагига куч бағишлайди: илмли устоз, яхши дўст, муносиб умр йўлдоши ва давлату иқболга етказувчи зукко ақл.*

## «ВАТАНИМИЗ ПОСБОНЛАРИ»
### АЙЛАНМА КРОССВОРД




**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1.Ҳарбий хизмат бурчини сидқидилдан адо этишга берилган тантанали ваъда. 2.Ҳарбий унвон. 3.Атоқли ўзбек саркардаси, фашизмга қарши уруш қўмондонларидан бири бўлган генерал. 4.Она диёрга, халққа, хизматга вафодорлик. 5.Мамлакатнинг ҳарбий қудрати мажмуи. 6.Олий ҳарбий унвон. 7.Кучли артиллерия қуроллари ўрнатилган ва торпеда ҳамда миналар билан мужассамлашган тезюрар катта ҳарбий кема. 8.Қўрқмас, ботир, ҳарбий хизматдаги муҳим фазилат. 9.Зафар муваффақиятлардан юзага келувчи шон-шараф ҳисси. 10.Ҳарбий қисм қошидаги кичик шифохона. 11.Ҳарбий қисмлар жойлаштириладиган бино. 12.Қўшиннинг ҳар бир аъзоси амал қилиши, бўйсуниши лозим бўлган қатъий тартиб. 13.Отиш машқлари ўтказиш ва қуролларни синаш учун жиҳозланган махсус майдон. 14.Сув остида сузиб юрувчи ва бошқариладиган, кемаларнинг сув ости қисмига шикаст етказиш учун қўлланиладиган мина. 15.Хизматда довюраклик кўрсатган юртдошларимиз сазовор бўлувчи давлатимизнинг олий мукофоти. 16.Командир берган қисқа оғзаки буйруқ.

**МУАММОНОМА**

Қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз иккинчиси ҳарф тартибини англатади) кроссворд жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. 1-7; 3-6; 2-1; 4-7; 5-2; 9-1; 12-2; 15-2. Ундан ҳарбий дастурни англатувчи атамани билиб оласиз.

**Ф.ОРИПОВ**
**тузди**

## Таълим муассасаси, маҳалла ва оила ҳамкорлиги

# ТЎГАРАКЛАР ОРҚАЛИ
### сармоядан ташқари маблағ топилмоқда

***Дўстлик туманидаги мактабдан ташқари муассасаларда олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовордир. Дарсдан бўш вақтларда ўқувчиларни тўгаракларга имкон қадар тўла жалб этилаётгани айни муддао бўлмоқда.***

Туман ўқувчилар ижодий маркази муҳташам ўқув биноси билан таъминланган. Кенг ва ёруғ синф хоналарига ўқув ва иш жиҳозлари ўрнатилган. Бу ерда ўнлаб тўгараклар фаолият кўрсатиб турибди. Зардўзлик, юмшоқ ўйинчоқлар, бичиш-тикиш, бадиий тўқиш, наққошлик, табиатшунослик, сухандонлик, инглиз тили тўгараклари шулар жумласидандир. Шунингдек, «Қаҳрамон» қишлоғида «Ёш техник», «Наврўз» ва «Боғзор» қишлоқларида фольклор тўгараклари, «Истиқлол» қишлоғида «Ҳайкалтарошлик» ва «Бадиий каштачилик» тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчилар тўгарак раҳбарлари ёрдамида ўзлари танлаган ҳунар сирларини қунт билан ўрганишаяпти. Энг эътиборли жиҳати шундаки, тўгарак қатнашчилари томонидан тайёрланган, тикилган маҳсулотлар ўз харидорини топмоқда.

— Ўтган ўқув йилида асосий сармоядан ташқари 220 минг сўм маблағ ишлаб топишга муваффақ бўлдик, - дейди марказ раҳбари Гулбаҳор Холмуродова. — Тўгаракларда ҳунарманд ўқувчиларимиз қўли билан ишлаб чиқарилган ёғоч ўймакорлик буюмлари, зардўзлик, тикувчилик, гулчилик, юмшоқ ўйинчоқлар каби маҳсулотларини сотиш эвазига топилган бу маблағнинг 80 фоизи хомашё харид қилишга, қолгани эса ўқув қуроллари ва жиҳозлар сотиб олиш, ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланди.

Марказ ходимлари таълим муассасалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ва оилалар билан баҳамжиҳат фаолият юритмоқдалар. Бу масканларда ҳам турли тўгараклар ташкил этилган. Холбуви Гулмуродова, Ҳабиба Умарова, Қувват Нурқобилов, Абдулла Бутунбоев, Муқаддас Сулхонова каби тажрибали педагоглар, малакали тўгарак раҳбарлари меҳнатидан ўқувчилар ва ота-оналар мамнун бўлишмоқда.



Якка тартибда фаолият кўрсатаётган ҳунарманд оилалар билан марказ ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган. Тўгарак қатнашчилари раҳбарлари ҳамроҳлигида бундай оилаларда тез-тез бўлишиб, уларнинг тажрибаларини ўрганиб, ўз фаолиятларида қўлламоқдалар.

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий «Илм ва ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва меҳнат қуроллари кундан кун қўлдан кетганидек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур» деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, баркамол авлод тарбиясида илм ва ҳунарнинг ўрни бениҳоя катта.

Ёшларимизнинг илм-фан, қолаверса, бирор бир касб-ҳунар сир-асрорларини мукаммал эгаллашларига жиддий эътибор қаратиб келинаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Бу борада туман ўқувчилар ижодиёт марказида ибратли тажриба тўпланган. Маҳаллалар қошида турли тўгараклар очиш йўлга қўйилди. Тумандаги 4 та қишлоқ, 3 та маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида 7 та тўгарак ташкил этилди. Уларга мураббий сифатида қўлида ҳунари бор ота-оналар ҳам таклиф этилди.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ОМАД ЁР БЎЛСИН, «ПАХТАКОР»!

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси бу йил ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлайди. Пахтакорчилар бу санани муносиб нишонлашга аҳд қилишган.

Кеча жамоа йилнинг дастлабки халқаро турнири Ҳамдўстлик кубогида қатнашиш учун Москва шаҳрига учиб кетди.

— Жамоа кучли таркибга эга. Мақсад турнирда чиройли ўйинлар кўрсатиб, ҳеч бўлмаганда ярим финалгача чиқишдир, - деб баёнот беришди бизга жамоа матбуот марказидан.

Ушбу турнирда Ўзбекистон чемпионига қарши Москванинг ЦСКА, Тбилисининг «Динамо» ҳамда Эстониянинг «ТФМК» жамоалари тўп суради. Жамоанинг нигериялик ҳужумчи Ихеруони Угенидан умиди катта. Шунингдек, маҳаллий жамоалардан бир қанча иқтидорли ёшлар «Пахтакор» таркибига жалб қилинган.

Авваллари Миланнинг «Интер» ва «Мессина» клубларида ишлаган мураббий Мауро Францетти жамоанинг жисмоний тайёргарлигига масъул этиб тайинланган. Мавсум олди тайёргарликлари давомида «Пахтакор» БАА сафарида бўлди. Бу сафар чоғида улар Алматининг «Қайрат» ҳамда маҳаллий «Ажман» жамоаларини бир хил 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Германиянинг «Ганза» клуби билан баҳс 1:2 ҳисобида якунланди.

## «ҲАСАНБОЙ ЧОЙХОНАСИ»ДА

***Ўзи ҳаёт бўла туриб жойларга номи қўйилган инсонлар ҳам учрайди. Чортоқ туманида ана шундайлардан бири яшайди. Агар туманга йўлингиз тушиб «Ҳасанбой чойхонаси» қаерда деб сўраб қолсангиз у саволингизга жавоб қайтаришдан олдин жилмайиб қўйишса асло ажабланманг. Довруғи узоқ-узоқларга етиб борган «Чортоқ» сиҳатгоҳининг шундоқ яқинидаги тепаликда, асрий чинорлар соясида, эрта-кеч салқин шабода эсадиган масканда жойлашган чойхонада доимо қаҳ-қаҳа янграйди. Ёши ҳали элликдан ошмаган, гапингизга аския билан жавоб қайтарадиган Ҳасанбойнинг лабида эса ҳамиша табассум. Ҳеч қаерда эшитмаган ҳангома-ю латифаларни шу ерда эшитасиз.***

### БЕМОР ПАРАВОЗ

Бу воқеа бундан ярим аср муқаддам Наманганга дастлаб паравоз келганида юз берган экан. Ўндан ортиқ вагонни тиркаган баҳайбат машина бекатда тўхтабди. Нуқул пишилляpмиш, юрмас эмиш. Аввалига улкан қувурдан роса сув қуйишибди. Паравоз олдинига паға-паға буғ чиқарибди, кейин тағин пишиллабди. Лекин барибир жойидан қўзғалмабди. Шунда бекат жойлашган Ғирвон даҳасининг содда деҳқонлари қизиқиб, бунинг сабабини сўрашибди.

– Темир отимизнинг қорни очиб қолди, – уларнинг саволига жавоб қайтарибди машинист ҳазиллашиб.

Муҳтожга ёрдам қўлини чўзиш азалий одатимиз. Ҳаш-паш дегунча ғирвонлик деҳқонлар беш-олти боғ кўм-кўк беда кўтариб чиқишибди.

Буни кўрган машинист тизасига шапатилаб уриб, роса кулибди:

– Қуруқ сувни ичавериб томоғи шамоллаб қопти, озгина ёғлаб қўйиш керак, ҳозир фургонда келтиришади, – депти. Сўнг: – Сизлар энди бедани олиб кетаверинглар, ахир, темир тулпор касал-ку, иштаҳаси йўқ, деса ҳам деҳқонлар унашмабди. Кечқурун соғайса, берарсизлар, деб қолдириб кетишибди.

Ғирвонликлар ҳали ҳануз «томоғи оғриган» ўша темир тулпор ҳақида гапириб, кулиб юришади.

*Ҳангома*

### ЁНИЛҒИДА ЮРАДИГАН ТРОЛЛЕЙБУС

– Бундан ҳам қизиқ ҳангомани эшитинг, – дея гапга қўшилди қўшни каровотдан ўтиб даврамиздан жой олган Охунжон деган йигит. – Бир куни ён қўшнимиз Ҳамидхон кўчада тўхтаб қолди. Қарасам қўлида пақир. Сездимки, ҳозир бензин сўрайди.

– Охирги томчилар билан кетаяпман, – дедим зорланиб. – Анови бурчакда Ҳафизхон троллейбусини ковлаштиряпти. Эрталаб саройдан чиққан, ҳеч қанча юргани йўқ. Сўрасанг, йўқ, демайди.

Ҳамидхон у тарафга юрдию қутилганимга шукр, деб мен ишимга кетдим.

Оқшом дарвоза тақиллаяпти, чиқсам Ҳамидхон. Авзойи чатоқ.

– Ия, сенмисан оғайни, қадамларингга ҳасонот, қайнонанг яхши кўрар экан, ош тайёр, – дедим сир бой бермасдан.

– Ахир, троллейбус бензин билан ишламас экан-ку! Сўраб борсам у ярамас ҳам башарамга қараб бақрайдида, «кераклисини қуйиб олавер, идиши томида», деб калака қилди. Мен аҳмоқ ҳам пақирни кўтариб машина томига чиқиб ўтирибман. «Бензин турадиган идишинг қаерда, тополмаяпман» деб сўраганимни биламан, атрофда бомба портлагандек кулги кўтарилди. Қарасам, одамлар тўпланишиб мени томоша қилаётган экан. Ер ёрилмади-ю мен кириб кетмадим.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН
### Аз-Замахшарий ҳикматлари

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқдир.

* * *

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.

* * *

Одамнинг яхшиси қайғу-ташвишли дамда билинур, гўёки бу ташвишлар яхшилар учун опа-сингиллардек яқиндир.

* * *

Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да хор бўлмас.

* * *

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осондир. Жоҳиллу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади.

* * *

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи ер кўк фақат ўз теграсида айланади.

* * *

Такаббурлик қадр-қимматни оширмайди.

## Турфа олам

Сигир муқаддас ҳайвон ҳисобланадиган Ҳиндистонда лаборатория шароитида пакана сигирлар зотини яратишга муваффақ бўлинди. Ҳиндистонда катта ададда нашр этиладиган "The Hindu" газетасининг хабар беришича, бунга мамлакат жанубида жойлашган Керала штати Қишлоқ хўжалиги университетининг генетика лабораториясида эришилди.

### ПАКАНА СИГИРЛАР -КАСАЛЛИККА ЧИДАМЛИ

Газета биринчи насл берган пакана сигирлар суратини ҳам чоп этган. Маълум бўлишича, "лилипут сигирлар" бир кунда 2-3 литр сут берар экан. Уларнинг сутидан, асосан, анъанавий ҳинд тиббиётида турли дори-дармонларни тайёрлашда фойдаланилмоқда. Ҳинд олимларининг таъкидлашича, пакана сигирлар турли касалликларга жуда чидамли экан.

Бундай сигирлар Ҳиндистонда қай даражада кенг тарқалишини олдиндан айтиш қийин бўлсада, университет олимлари "лилипут сигирлар" бузоқларини фермер хўжаликларига сотишга тайёр эканликларини маълум қилишди. Бир бош бузоқнинг нархи 100 АҚШ долларидан сал кўпроқ.

**С.СУЯРОВ,**
"Жаҳон" АА мухбири
**Деҳли**

## Ўқинг, бу — қизиқ!

# РАҚАМЛАРДА АКС ЭТГАН

Халқимизга хос азалий урф-одатлар, анъана-ю, ирим-сиримлар бор. Улар замиридаги ҳаёт йиллар, асрлар синовидан ўтган. Ана шулардан бири рақамларда акс этган мўъжизадир. Масалан, биз ўзбеклар 1, 3, 4, 7, 9, 11, 20, 40 рақамларига алоҳида эътибор берамиз. Улардан яхшиликлар ахтариб яшаймиз.

Айниқса, бу борада тўрт рақамининг хосияти беқиёс. Нуронийларимиз дуога қўл очганда, «ҳамиша кейинги йилларга ҳам тўрт кўз тугал етайлик», ёки «тўрт мучангиз соғ бўлсин» деб ният қилишади.

Қарангки, тўрт рақамининг табобатда, математика, жуғрофия, қўйингки барча соҳада ўз алоҳида ўрни бор экан. Масалан, одамнинг қон гуруҳи 4 та, математикада тўрт амал мавжуд. Спорт мусобақаларида ҳам кўпинча тўртлик қоидаларига риоя этишади. Жумладан, олимпиада ўйинлари, футбол бўйича жаҳон биринчиликлари ҳар тўрт йилда ўтказилади. Меъморчиликда асосан бинолар тўрт бурчак шаклида бунёд этилади. Табиатда эса ҳар ойда 4 ҳафта, ҳар йилда тўрт фасл бор. Ҳатто одамнинг ҳаёти ва яралишида ҳам тўрт унсур – Ер, Қуёш, Сув, Ҳавонинг алоҳида ўрни бор. Шу боис донишмандлар азалдан тўрт рақами оламнинг мавжудлиги тимсоли, мукаммаллик аломати сифатида таъриф беришган. Халқ афсона ва ривоятларида ҳам тўрт рақамига боғлиқ кўплаб қимматли фикрлар мавжуд. Ҳақиқатда эса тўрт рақами билан алоҳида бу мўъжизалар замирида дунёнинг ва инсоннинг яралишига сабаб бўлмиш – Ер, Сув, Қуёш ва Ҳавонинг бебаҳолиги рамзи асос қилиб олингани шубҳасиздир.

## НИМ ТАБАССУМ

Бир тилшунос олим қайиқда дарёнинг нариги соҳилига ўтиб бораётиб қайиқчидан «сарф-наҳвни» биласанми? деб сўради. Қайиқчи «йўқ» деди. «Бўлмаса ярим умринг зое кетипти», дея афсусланиб бошини сарак-сарак қилибди олим. Дарёнинг ўртасига етганларида қаттиқ тўлқин бошланипти. «Сузишни биласанми?» деб сўрапти қайиқчи.

– Йўқ, – дебди олим.

– Бўлмаса, бутун умринг зое кетипти, – дебди қайиқчи.

* * *

– Жаннатда аёллар эркаклардан узоқроқ юрса керак-да?

– Ҳа, албатта. Бўлмаса жаннат жаннат бўлармиди?

* * *

Шогирдлардан бири Суқротга савол берипти:

– Нега сизнинг юзингизда ғамгинлик аломати кўринмайди? Ҳамиша кайфиятингиз чоғ.

– Чунки йўқотганимда ғам-андуҳ чекишга арзийдиган ҳеч нарса йўқ, – дебди у.

* * *

– Ғам-ташвишингизга ҳамиша ҳамдард бўламан, – деди қиз севган йигитига.

– Менинг ҳеч қандай ташвишим йўқ.

– Шошилманг, турмуш қурганингиздан кейин икковлашиб топамиз.

* * *

Бир одам катта бир дарахтни кесаётган эди, қоровул сўради.

– Ҳа, нима қиляпсиз?

– Халақит берманг, дарахт орқасида биров борга ўхшайди, шуни кўрмоқчиман.

* * *

Паришонхотир бир жарроҳ беморнинг қорнини ёриб бўлгач, шогирдларидан сўради:

– Ҳм... Бу беморнинг қорнини нега ёрдик-а?

* * *

Бир доктор беморнинг кўкрагига уриб-уриб:

– Ўҳў, бу туғма шиш-ку, зудлик билан олиб ташлаш керак, – деди.

– Доктор, бу шиш эмас, ҳамёним-ку! – деди бемор шоша-пиша.

* * *

Бир одам ўртоғига ўн минг сўм қарз берган экан, ўртоғи ҳадеганда қарзни қайтаравермапти. Қарз берган одам бир куни шама қилипти:

– Бугун туш кўрсам, менга ўн минг сўм берган эмишсан.

– Жуда соз бўлипти, қарзимдан қутилибман.

## Фойдали маслаҳатлар
### КАРАМ ТУЗЛАМА

Кечки карам тузламаси яхши бўлади. Чунки унда қанд кўп бўлиб, тузламасини есангиз карсиллаб туради.

10 килограмни тузлаш учун бир килограмм қизил сабзи, 250-300 грамм ош тузи, 50 грамм шакар керак бўлади.

Аввал карам узунасига майдалаб тўғралади, сабзини сомонча шаклида тўғраган маъқул. Тўғрамани сирли идишга жойлашдан аввал карамнинг тагига 1 килограмм олмани тўғраб, териб чиқсангиз хуштаъм ва мазали бўлади. Шунингдек, қизил лавлаги солсангиз ҳам бўлади.

Карам тузлама 5-10 ҳафтада тайёр бўлади. Унутманг:

* ой тўлганда карам тузласангиз юмшоқ ва нордон бўлади.

* карам тузлама суви билан сақланмаса, таркибидаги аскорбин кислота парчаланиб кетади.

* тузлама иссиқ жойда турса, нордон бўлади.

* тузламани ювиш мумкин эмас. Акс ҳолда фойдали минерал тузлар ва витаминлар йўқолиб кетади.

Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши жамоаси Бухоро Давлат университети Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ғиёс Саломовга волидаи муҳтарамаси **Хосият ЗАРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 23.00

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456